БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 41 (4140).
19 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка, область, шаҳар, автоном округлар, шаҳар ва қишлоқ районлари, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, колхоз ва совхоз коллективларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, 1979 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини муваффақиятли бажариш учун олиб борилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини ҳараб чиқдилар. Қабул қилинган қарорда совет халқи партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ўстиришга эришганлиги таъкидлаб ўтилади. Халқнинг моддий турмуши ва маданий савиясини ошириш ишлари давом эттирилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганликлари ва 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожланиш планини муваффақиятли бажарганликлари учун қуйидагиларни социалистик мусобақа ғолиблари деб топди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар:

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР

Белоруссия ССР
Ўзбекистон ССР
Қозоғистон ССР
Грузия ССР
Озарбайжон ССР
Молдавия ССР
Тожикистон ССР
Арманистон ССР

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР, ЎЛКА ВА ОБЛАСТЛАР

Ўзбекистон ССРдан — Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё области, Тошкент области;

Қуйидагилар мусобақа ғолиблари деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

100 та шаҳар ва шаҳарлардаги районлар;

1564 бирлашма, корхона, ташкилот ва муассаса, колхоз ва совхоз коллективлари. Шу жумладан 755 коллектив СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида Бутуниттифоқ ҳурмат тахтасига ёзилади.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиблари бўлган республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳар ва районлар, автоном округлар меҳнаткашларини, бирлашмалар, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар корхоналари ва ташкилотларининг коллективларини табриклайдилар ва қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар ва зиёлилар, партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1979 йилги ноябрь Пленумининг тарихий қарорларини бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байрогини янада баланд кўтарадилар, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олишга, 1980 йилги план ва мажбуриятларни ҳамда ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга бутун куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар деб қатъий ишонч билдирадилар.

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганликлари ва 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожланиш планини муваффақиятли бажарганликлари учун қуйидагиларни социалистик мусобақа ғолиблари деб топдилар ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Тошкент области
Тошкент шаҳри
Бўка района
Калинин района

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди ва улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ ҳурмат тахтасига ёзилади:

Ўрта Осиё темир йўли
К. Е. Ворошилов номидаги Октябрь Революцияси орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи

«Сельтрансспецстрой» трести, Тошкент шаҳри

Ўрта Осиё кўмир қазиб олиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигига қарашли «Илғор» якка буюртмалар ва пойабзал ремонти ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳри.

«Главташкентстрой»га қарашли «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-Тошкент уйсозлик комбинати

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

4-Тошкент нон маҳсулотлари комбинати

«Ташсантехгазмонтаж» трести, Тошкент шаҳри

Тошкентдаги шампан винолар заводи

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Гордорстройремонт» трести

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

19 апрель—коммунистик шанбалик куни

Тежалган ёнилғи ҳисобига

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига 19 апрелда коммунистик шанбабусига якдиллик билан қўшилган 3-автокомбинат шоферлари, ремонтчилари апрелнинг учинчи шанбасини чинакам меҳнат байрами кунига айлантириш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

— Қувончлиси шуки, — дейди комбинат директори В. Исмоилов,— шу куни ҳамма машиналаримиз иқтисод қилинган бензин ҳисобига ишлайди. — Меҳнат байрами куни 7500 тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб берилади.

Ҳозирги кундаги тайёргарлик ишлари шанбалик, зўр кўтаринки руҳ билан ўтишидан далолат бермоқда. Коммунистик шанбалик куни 60 нафар шофер ўнинчи беш йиллик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт беради. Ўтган йили бешта бригада пудрат усулида ишлаган бўлса, шу кундан бошлаб бу усул бўйича ишлаётган бригадалар сони 15 тага етади. 3 та машинанинг кузови сифатли ремонт қилиниб, 700 та деталь қайта ишланади, 6 та агрегат ремонтдан чиқарилади. Бундан ташқари комбинат атрофи тозаланиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гул кўчатлари ўтқазилади. 10 тонна қора металл, 500 килограмм рангли металл, ҳамда 2000 килограмм резина тўпланиб, тегишли жойга топширилади. Шанбаликдан тушган 8800 сўм маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

И. РУСТАМОВ.

АССОРТИМЕНТНИ БОЙИТИБ

«Ғунча» фабрикасида маҳсулот сифатини бошқариш бўлими жорий этилгандан буён кичкинтойлар учун ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифати яхшиланди, уларнинг ассортименти бойиди. Ҳозирги кунда бу ерда 24 хил моделда аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Коллектив маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг ассортиментини бойитиш учун белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш натижасида сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, «Н» (янглик) индекси билан уч хил моделда кичкинтойларнинг кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, уч хил маҳсулот «Москва—80» Олимпиадаси рамзи билан ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона мутахассислари маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида 36 та корхона стандартини ишлаб чиқдилар. Шу кунларда бу стандартлар асосида маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини тўла жорий этиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ана шу системани жорий этиш туфайли корхона бу йил 27,1 минг сўмлик иқтисодий фойда олади.




Тошкентдаги 9-шаҳар ҳунар-техника билим юрти матбаачи кадрлар тайёрлайди. Ҳозир бу ерда 906 нафар ёш шуғулланмоқда. Улар ҳарф терувчи, линотипчи, печатник, муқоваловчи касбларини эгаллашяпти. Аъло даражада жиҳозланган ўқув босмахонаси уларнинг ихтиёрида.

СУРАТЛАРДА: машинада ҳарф териш ўқув устахонасида машғулот пайти. Машғулотни катта мастер, КПСС аъзоси Воҳид Усмонович Усмонов олиб бораяпти; ишлаб чиқариш таълими мастери, КПСС аъзоси Одил Иброҳимов ва бўлажак печатник Эркин Жўраев; бўлажак матбаачи комсомол аъзоси Маҳоатой Хасанова.

А. Усмонов ва Р. Шамсуддинов фотолари. (ЎзТАГ).





Юбилей шарафига

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори барча меҳнат коллективлари қатори кўнмўйна заводи коллективини ҳам янги марралар сари илҳомлантириб юборди. Янги йилни зарбдор суръат билан бошлаган корхона меҳнат аҳли ҳар бир иш минутини қадрли билиб, доҳий юбилейини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, бу шонли санани кўплаб ишчилар янги меҳнат зафарлари билан қарши олиш учун ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Корхонанинг Муаззам Исломова, Шукур Зоҳидов, Валентина Ларионова, Ҳафиза Жуманова каби пешқадамлари шу йилнинг 22 апрелига қадар саккиз йиллик топшириқни адо этадилар. Шунингдек, 75 нафар ишчи корхона машъалларидан ўрнак олиб доҳий юбилейини беш йиллик топшириқни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилди.

— Бу йилги режаларимиз ҳар йилгидан улкан, — дейди завод директори З. Самиғжонов. — Коллективимиз 1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари — 18 декабрда бажаришга аҳд қилган. Аҳдига вафо қилиб, юксак унум билан ишлаётган мўйнадўзларимиз планга қўшимча 650 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар. Т. НАЖМИЙ.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ТУҲФА

«Халқлар дўстлиги» майдони комплексига кирувчи «Олмазор» турар жой массиви тез суръатларда барпо этилмоқда. Биноқорлар тўққиз қаватли барча қулайликларга эга бўлган биноларни барпо этишда сифатга алоҳида эътибор беришяпти.

Участна қурувчилари ўртасидаги мусобақада Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 12-қурилиш трести 49-қурилиш бошқармасининг В. Харнашвили бошлиқ бригада пешқадамлик қилмоқда. Бригада қурувчилари тўққиз қаватли 136 хонадонга мўлжалланган турар жойни графикдан ўзган ҳолда барпо этишмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар кунини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга сўз берган бригада аъзолари бинодаги умумий қурилиш-монтаж ишларини муддатидан бир ҳафта илгари — 24 февралгача тугаллаш иштиёқида шижоат билан ишлашмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Эдвард Герекка йўллаган табриги эълон қилинган. Унда Эдвард Герекнинг ана шу лавозимга сайланганлиги муносабати билан самимий истаклар баён этилади.

● Сайловчиларнинг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан учрашуви ҳақида ҳисобот берилган.

● «Назоратчиларга партиявий наказ» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

САЙЛОВЧИЛАР СЕВГАН ЖОЙ

А. Абдураҳмонов номидаги Тошкент политехникуми биносида Ленин районидаги 8-сайлов участкаси жойлашган. Шинам қилиб безатилган агитпункт хонасида кекса сайловчилар билан бир қаторда, бу йил биринчи марта овоз беришда қатнашадиган йигит-қизларни учратиш мумкин.

Сайловчилар бу ерда маданий дам олишлари, турли янгиликлардан хабардор бўлишлари, мароқли лекция ва суҳбатлар эшитишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Агитпунктда ҳамма нарса сайловга тахт қилиб қўйилган.

Сайловчиларнинг рўйхатлари барвақт тайёрланиб, кўзга кўринарли жойга осиб қўйилган. «Справка ва консультация столи», «Сайловчилар ишончини оқлайлик» деган мавзуларда лекция ўқидилар. Зокиржон Абдукаримов, Аҳмад Ҳамидов, Даврон Тўрабеков, Маҳмуджон Акрамов сингари агитаторлар эса, сайловчиларга КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор режалар қандай амалга оширилаётгани, республикамиз, шаҳримиз ва Ленин райони ҳаётида сайловдан-сайловгача бўлган даврда рўй берган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

— Агитколлективимизга 85 агитатор уюшган, — дейди агитпункт мудири, коммунист Ғайрат Шоқурбонов, — улар коммунистлар, комсомоллар, партиясиз активлардан иборат. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилди.

Сайлов олди оммавий-сиёсий ишларни қизитиб юборган 8-сайлов участкаси ва агитпункт коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар кунида барча сайловчиларнинг коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки учун якдил бўлиб овоз беришларини таъминлашни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган.

Р. БОЙТУЛЛАЕВ, агитатор.

ДОИМО ГАВЖУМ

Октябрь районидаги В. И. Ленин номли 116-мактаб биноси худди байрамлардагидек безатилган. Мактаб биносига кираверишда 32-сайлов участкаси шу ерда жойлашганлиги, 24 февраль, —якшанба куни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказилиши тўғрисидаги календар, сайловга чорловчи шиор ва плакатлар кўзга ташланиб турибди. Кундуз кунлари бу ер ўқувчилар, кечқурунлари эса, сайловчилар билан гавжум бўлади, лекция ва суҳбатлар ўтказилади.

Суҳбат ва лекцияларни мактаб директори — агитпункт мудири Рустам Афзалов раҳбарлигидаги ўқитувчилардан ташкил топган 45 нафар агитаторлар олиб боришяпти. Жумладан, 10 агитатор Тошкент ҳалқа йўлида жойлашган 18-автобазанинг транспортчи ходимлари ўртасида агитация ва пропаганда ишларини олиб боришмоқда.

— Сайлов участкасини республика Давлат нашриёти комитетининг автобазаси отаҳлиқа олган, сайлов участкасида автобаза директори Юрий Иванович Шмерлинг раислик қилялти, — дейди Р. Афзалов. Сайлов участкаси ва агитпункт томонидан белгиланган тадбирлар муваффақиятли олиб борилмоқда.

Яқинда «В. И. Ленин Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси» деган мавзуда Р. Афзаловнинг ўзи сайловчиларга лекция ўқиб берди. Агитаторлардан Ф. Каримова, Ф. Мўминбекова, Ф. Эрматова, С. Ортиқов, М. Аҳмадхўжаева, В. Миносян ва бошқалар тайёргарлик ишларини пухта олиб боришди.

Рўйхатлари осиб қўйилган 2945 сайловчидан 20 нафари биринчи бор овоз берувчи ёшлардир. Улар билан совет сайлов системаси тўғрисида бир неча бор суҳбат ва савол-жавоб ўтказилди.

32-сайлов участкасидан 2-Октябрь сайлов округидан республика ҳукуматининг «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редактори С. М. Каромат ов, Акмал Икромов район Советига депутатликка номзодлар — тепловоз депоси партия комитети секретари Г. И. Медников, музика асбоблари фабрикаси ишчиси М. Исмоилов, маҳаллий саноат корхонаси ишчилари Л. М. Сальникова, Р. М. Емельянова учун Бешқайрағоч, Собир Раҳимов, Усмон Юсупов номли маҳаллаларда истиқомат қилувчи уч мингга яқин сайловчи якдиллик билан овоз беради.

Кеча бу ерда депутатликка номзодлар билан мароқли учрашув бўлиб ўтди. Сайловчилар ўз номзодларига бир қатор наказлар беришди.

ВАГОНЛАР БИР МИНУТ ҲАМ БЕКОР ТУРМАСИН

«ҚОЛДИҚСИЗ» ИШЛАЙЛИК

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг декабрь (1979 йил) пленумида ҳаракатдаги составлардан фойдаланиш бўйича план кўрсаткичлари бажарилмаётганлиги, бунинг асосий сабаби вагонларнинг нормативдан ортиқ туриб қолаётганлиги деб таъкидланган эди.

Сўнгги вақтларда Тошкентда бу соҳадаги ишлар бирмунча яхшиланди. Шаҳар ва район штаблари темир йўл станцияларига келган юкларни ўз вақтида олиб кетмаётган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан қаттиқ чоралар кўришяпти. Темирйўлчиларнинг юк қабул қилувчилар билан муносабатини координация қилиш бирмунча яхшиланди. Шаҳар штаби сўнгги вақтларда Тошкент темир йўл бўлинмаси станцияларида қолиб кетаётган контейнерлар сони анчагина қисқарганлигини қайд этди. Марказлашган усулда юк ташиш шаҳар автомобиль трести яхши ишлаяпти. Трест юк қабул қилувчиларни транспорт воситалари билан вақтида таъминлаб турибди. Шунга қарамай вагонларнинг нормативда белгиланганидан бир минут ҳам бекор туришига ҳамон эришилгани йўқ.

Жумладан, январь ойида вагонларнинг ўртача бекор туриши Ленин райони бўйича нормативдан ортиқ бекор туриш Ҳамза районида 23261 вагон-соатни, Куйбишев районида деярли 13 минг вагон-соатни ташкил этди.

Шаҳар штабининг навбатдаги мажлисида сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Аюпов, «Ўзбекистон» бирлашмаси бош директори Л. Арушанов, «Ташкентпиво» бош директорининг ўринбосари И. Орифхўжаев, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси бош директорининг ўринбосари В. Кириллов, тамаки фабрикаси директорининг ўринбосари А. Аюпов, химреактивлар идораси инженери С. Галямов ҳисобот бердилар.

Химреактивлар идораси, масалан, февраль ойида Сергели станциясида қаторасига бир неча кун биттадан вагонни юки билан қолдириб келган. 9 февралда келган вагоннинг юки 11 февралдагина туширib олинган. Шаҳар штаби бундай хотиржамлик учун С. Галямовни жиддий огоҳлантирди.

Сергели станциясида 30 январь куни ёғоч ортилган вагон, 31 январда аппаратлар ортилган вагон, 6 февралда тахта ортилган очиқ вагон, 11 февралда тахтачалар ортилган вагон қолиб кетган. Бу юклар «Средазэлектроаппарат» бирлашмасига келган эди. Шу станциянинг ўзида «Тошкентпиво» бирлашмасига келган биттадан вагон юки билан қаторасига бир неча кун қолиб кетган. Мазкур корхоналарнинг раҳбарлари бундай ҳол бошқа такрорланмайди, деб ишонтирдилар.

Трактор заводи, абразив ва тўқимачилик комбинатлари, 1-пойафзал фабрикаси, ғалла таъёрлаш идораси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам темир йўл фаолиятига тез-тез панд бериб келадилар. Қишлоқ хўжалиги министрлигининг 23-трести ишлаб чиқариш-технологик комплектлаш бошқармаси 4—11 февраль кунлари Қодирия станциясида 9 вагонни бўшатди, аммо юк станция территориясидан ҳали ҳам олиб кетилгани йўқ. Темир-бетон буюмлар, оҳак ва бошқа юк туширувчиларга ҳалақит бериб ётибди.

Ўтган жума куни эрталаб соат 9 да ана шу бошқарма адресига Қодирия станциясига 5 вагон келди. Кечгача атиги икки вагон бўшатилди. Юк туширишнинг бундай суръатлари билан мутлақо чиқишиб бўлмайди.

Ю—Плэсид
ОК ОЛИМПИАДАДАН ДАРАКЛАР

Хоккей. Бугун тонг саҳарда хоккей бўйича ўтказилаётган турнирда қатнашаётган командалар тўртинчи тур ўйинларини ниҳоясига етказишди. СССР терма командаси Финландия командаси билан куч синашди. Тўғрисини айтганда, мамлакатимиз хоккейчилари Олимпиада беллашувлари давомида бундай ноқулай аҳволга тушишмаган эди. Ҳисобни биринчи бўлиб финландиялик спортчилар очишди. Иккинчи даврада ҳимоячи Ӧетисов ҳисобни тенглаштирди. Учинчи даврада яна финландиялик хоккейчилар ҳисобда олдинга ўтиб олишди. Учрашув тугашига тўрт минут вақт қолганда таблода 1:2 рақами порлаб турарди. Ана шундан кейин мамлакатимиз хоккейчилари шиддатли ҳужум уюштиришга киришдилар. Шунда кутилмаган ҳодиса юз берди. Ўн саккиз секунд давомида хоккейчиларимиз финландияликларнинг дарвозасига учта шайба киритишди. Натижада учрашув 4:2 ҳисобида хоккейчиларимиз фойдасига ҳал бўлди.

* * *

Тоғ чанғи спорти. Бир неча марта Жаҳон чемпиони австралиялик спортчи А. Мозер Олимпиада чемпиони унвонини олишга муяссар бўлди. У аёллар ўртасида ўн километр масофага пойга ўтказилди. Бу беллашувда Германия Демократик Республикасининг вакили Б. Петцольд ғолиб чиқди. Бугун эркаклар ҳам баҳсларни ниҳоясига етказишади. Дастлабки беллашувлар натижасига кўра вакилимиз В. Циганов олтинчи ўринни эгаллади.

* * *

Чанғи спорти. Аёллар ўртасида ўн километр масофага пойга ўтказилди. Бу беллашувда Германия Демократик Республикасининг вакили Б. Петцольд ғолиб чиқди. Бугун эркаклар ҳам баҳсларни ниҳоясига етказишади. Дастлабки беллашувлар натижасига кўра вакилимиз В. Циганов олтинчи ўринни эгаллади.

* * *

Қишки икки кураш. Бугун икки курашчилар баҳсларини ниҳоясига етказишади. Улар чангида тез учиш бўйича орани очиқ қилишади. Трамплиндан сакраш бўйича ўтказилган беллашувдан кейин ГДРлик спортчи У. Хельвиг олдинда бормоқда.

* * *

Фигурали учиш. Эркаклар мажбурий программани бажариб бўлишди. Дастлабки кун натижасига кўра ГДРлик спортчи Я. Хофман пешқадамлик қилмоқда. Мамлакатимиз вакили В. Коволёв бешинчи ўринда боряпти.

* * *

Жаҳон матбуоти И. Роднина ва А. Зайцевларнинг ғалабасини кенг шарҳламоқда.

СУРАТДА: И. Роднина ва А. Зайцев мусобақа пайтида.



БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИДА ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

«Планнинг муддатидан илгари бажарилиши учун оғишмай интилиш керак»

В. И. ЛЕНИН.

ОКТЯБРЬ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛДАГИ УЗАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ТУҒРИСИДА

ШАРТНОМА

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори мусобақадош районлар меҳнаткашларининг ғайрат-шижоатини ошириб юборди.

Тошкентнинг Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилини ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантиришга қарор қилдилар. 1980 йил ва умуман беш йиллик халқ хўжалик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшиш ниятидалар.

Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашлари белгиланган планларни муддатидан илгари бажариш учун ўзаро социалистик мусобақа тўғрисида шартнома тузиб, беш йилликнинг якунловчи йили учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Пойтахтдаги икки район — Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашлари азалдан дўстлик алоқалари билан боғланишган. Мана кўп йиллардирки, ўзаро ёрдамга, меҳнат беллашувининг юксак натижаларидан биргаликда манфеатдорликка асосланган социалистик мусобақа бу дўстликнинг энг ёрқин ифодасидир.

Ҳар бир районда мусобақада ибрат кўрсатаётган машъал коллективлар бор. Октябрь районида бу «Средазэнергоцветмет» корхонаси, «Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, тикувчилик бирлашмаси, кўн-галантерея фабрикаси, 159- қурилиш трести, «Ташинжстрой», «Ташжилстрой» трестлари, «Ташгипрогор» институти коллективлари ва бошқалардир. Чилонзор районида бу — 2-пойафзал фабрикаси, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг ишлаб чиқариш комбинати, «Ташгазэнергоремонт» корхонаси, «Средазнефтегазстрой», «Ташметрострой», «Промгражданстрой» трестлари, 5- таксопарк, 7- автопарк ва бошқа корхоналардир.

Меҳнат коллективлари яқинда корхоналари ва ташкилотларининг ўтган йилдаги хўжалик-иқтисодий фаолиятини чуқур таҳлил қилдилар ва беш йилликнинг якунловчи йилини ленинча зарбдор меҳнат йили деб эълон қилиниб, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари асосида оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

Фақат Октябрь райони ишлаб чиқарувчилари ўтган йили планга қўшимча 6,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бунда саноат маҳсулотлари ўсишининг 83 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди. Район саноат корхоналари Сифат белгиси билан 20 миллион сўмлик буюм ишлаб чиқарди. Бу умумий маҳсулот ҳажмида 15 процентни ташкил этади. Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бу кўрсаткич янада юқори — 35 процентни ташкил этди. Бу ерда сўнгги йилда ишлаб чиқаришга 140 тадан кўпроқ буюм ва модель жорий этилди.

Районнинг қуйи ташкилотлари 1979 йилда ўз кучлари билан 94 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажардилар. Бу топшириқдагидан 4 миллион сўмлик кўпдир.

Кўн-галантерея ва спорт буюмлари комбинатида асосий қурилиш-монтаж ишлари, 3- йирик панелли уйсозлик заводи иккинчи навбати реконструкцияси тугади, 1476 ўринли мактаб, тўртта мактабгача болалар муассасаси, 1- шифохонанинг кардиология корпуси, бир қатор савдо, маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Марказий телеграф коллективи аҳолига 5,2 миллион сўмлик хизмат кўрсатди; шаҳар телефон тармоғи мутахассислари кучи билан 10.700 абонентли телефонлар ўрнатилди. Товар оборати плани 5,9 миллион сўм ортиғи билан бажарилди, аҳолига хизмат кўрсатишнинг илғор формалари янада ривожланди.

Белгиланган марраларни чилонзорликлар ҳам муваффақиятли эгаллашди. Бу ерда қолоқ корхоналар йўқ; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 процент юксалди, товар маҳсулот таннархини арзонлаштириш эвазига 828 минг сўмлик тежамга эришилди. Пойафзалчиларнинг улуши ҳам салмоқли. Улар планга қўшимча 587 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар, маҳсулот умумий ҳажмида 17,9 процент буюмнинг Сифат белгиси билан тайёрланишини таъминладилар.

140 та ташкилий-техник тадбирларнинг жорий этилиши ҳисобига 2 миллион сўмликка яқин иқтисодий самарадорликка эришилди. Районнинг меҳнат коллективлари челябинскликларнинг ёнилғи-энергетика ресурсларини ва металлни тежаб сарфлаш бўйича бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватлаб, 1,5 миллион киловатт-соат электр қувватини, 1,5 минг тонна шартли ёнилғини, 47 тонна қора металлни тежадилар.

Қурилиш-монтаж ишлари плани Чилонзор районида 103 процент бажарилди, топшириққа қўшимча 3,8 миллион сўмлик иш бажарилди. Район меҳнаткашлари 74 минг квадрат метр турар жой майдонига, иккита болалар боғчасига, «Университет» магазинларига эга бўлдилар.

Транспорт ташкилотлари коллективлари ҳам чакки меҳнат қилишмади. Улар планга қўшимча 1,3 миллион тонна халқ хўжалик юкларини ташидилар.

Илгари қабул қилинган мажбуриятларни бажара бориб, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини анча яхшиладилар; товар оборати плани 1979 йил 26 декабрда бажарилди. Шу билан бирга районларнинг партия-хўжалик активларида шу нарса таъкидландики, мавжуд резервлардан тўла фойдаланилмади, бир қатор корхона ва ташкилотларда социалистик мажбуриятлар бажарилмай қолди.

Жумладан, Октябрь районида «Сувенир» фабрикаси, «Ташкентхлеб» бирлашмаси, «Матбуот» бирлашмаси, 10- босмахона, металл-фурнитура заводи, беш йилликнинг директив топшириқларида кўзда тутилган ҳажмларда маҳсулот ишлаб чиқаришини таъминламаяптилар. «Матбуот» бирлашмаси, 10-босмахона, металл-фурнитура заводи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми, шунингдек, меҳнат унумдорлигининг бир маромда ўсишини таъминламадилар.

Спорт буюмлари фабрикаси раҳбарлари эса олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этишга коллективни жалб этиш, резервларни ишга солиш ўрнига ўз ҳузур-ҳаловатларини ўйлаб, планнинг 600 минг сўмга камайтириш йўлини тутдилар. 3- йирик пачелли уйсозлик заводи, металл-фурнитура заводи, бадиий буюмлар фабрикаси планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича мажбуриятларининг бажарилишини таъминламадилар.

Бир қатор қурилиш ташкилотлари ишида ҳам жиддий нуқсонлар бор. Бу шунга олиб келдики, бутун Октябрь райони бўйича сўнгги тўрт йил мобайнида 30 миллион сўмликка яқин капитал маблағ ўзлаштириш топшириғи бажарилмай қолди. Асосий капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича автотранспорт министрлиги бирлашган дерекциясида ҳам аҳвол қониқарсиз.

Телефон алоқаси тармоғи суст ривожланмоқда. 42-АТС ускуналари монтажи чўзилиб кетди. «Халқлар дўстлиги» кўчасида 45- АТС қурилиши жуда суст давом этяпти.

Чилонзор районида етти корхона, шу жумладан, «Промсвязь» заводи, «Промгражданстрой» трестининг саноат корхоналари бошқармаси беш йилликнинг план кўрсаткичидан орқада қолаяпти. Электр рўзғор буюмлари заводида, шаҳар ремонт-қурилиш трести, ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида штурмчиликка йўл қўйилаяпти, бу ерларда сўнгги ўн кунликда ойлик маҳсулотнинг қарийб 50 процентни ишлаб чиқарилади.

Районда Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғи 4,9 процентни ташкил этади. Электр рўзғор буюмлари заводи, «Промсвязь» заводи, шаҳар ремонт-қурилиш ишлаб чиқариш корхоналари комбинати маҳсулот таннархининг нормативдагидан қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

«Промсвязь» заводида, «Промгражданстрой» трести ишлаб чиқариш корхоналари бошқармасида, шаҳар ремонт-қурилиш трести ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида кадрлар кўнимсизлиги, корхона тартибини бузиш ҳоллари билан мурosa қилиб келинаяпти, бу ерларда прогулчиларга қатъий партиявий баҳо берилмайди. Иш вақти йўқолиши рўй бераяпти.

«Энергомонтаж» махсус монтаж бошқармаси, «Главснаб»нинг ремонт-қурилиш бошқармаси, «Ташжилстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси, «Промгражданстрой» трестининг 104- кўчма механизациялашган колоннасида йиллик план бажарилмай қолди — 153-қурилиш трестида ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши атиги 32 процентни ташкил этди. Тошкент область монтаж бошқармасида, «Узэлектромонтаж» трести 2-монтаж бошқармасида, «Электроремстрой» ремонт-қурилиш бошқармасида ва бошқа коллективларда қурилиш-монтаж ишларида кичик механизация воситаларидан яхши фойдаланилмаяпти.

Шу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш масаласига диққат-эътиборни қаратиш лозим.

Жумладан, фақат Октябрь райони ишлаб чиқарувчилари саноат маҳсулоти ҳажмини 11 процентга оширишлари, ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 20 процентга яқин маҳсулотни сифатнинг олий категориясида тайёрлашни таъминлашлари лозим.

Фақат Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси йўли билан 65 минг квадрат-метр турар жой ишга туширилади. Олмазор массиви, 4100 ўринли кинотеатр зали тўла қуриб битказилади. Кўн-галантерея ва спорт буюмлари комбинати, пионерлар саройи қурилишлари ҳам тугалланади. Иккита мактаб ва иккита болалар боғчаси фойдаланишга топширилиши белгиланган.

1980 йил учун товар оборот плани 300 миллион сўмлик миқдорида белгиланган. Савдо ходимлари топшириққа қўшимча 6,5 миллион сўмлик буюмлар реализация қилиш бўйича оширилган мажбуриятлар қабул қилишди.

Метросозлар ҳам катта режалар тузишди. Август ойида пойтахт метрополитенининг учинчи навбати ишга туширилади, беш пудрат бўйича ўнинчи беш йиллик плани топширилиши шу йил 22 апрелда бажарилади.

Қурувчилар 57 минг квадрат метр турар жой майдонини, болалар боғчаси, гидропроект институти биносини фойдаланишга топшириш, бир қатор саноат корхоналарининг реконструкция қилинишини таъминлаш, райондаги кўчалар, ҳиёбонлар ва боғларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни бажариш мажбуриятини олдилар. Республика гемотология маркази, «Ёш гвардия» нашриёти, кўкрак хирургияси институти, аёллар педагогика билим юрти қурилиши давом этказилади.

Бу вазифаларнинг амалга оширилиши куч ва ресурсларни янада жалб этиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштиришни тақозо этади.

Ишчи коллективларининг юксак марралари

Ҳар икки районда ҳам саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича план 20 декабрда бажарилади ва планга қўшимча 5 миллион сўмлик ва 0,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 1980 йил планига нисбатан меҳнат унумдорлиги қуйидагича ортади: 1,7 процент ва 2,9 процент.

Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85 процентига ҳар икки районда ҳам меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилади; планга қўшимча олинадиган фойда: 750 минг сўмлик ва 112 минг сўмлик.

1980 йилда янги хилдаги, моделдаги ва фасондаги 210 та ва 120 та буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Давлат Сифат белгиси билан 60 та ва 10 та буюм ишлаб чиқариш таъминланади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида Сифат белгиси билан тайёрланадиган буюмлар 15 процент ва 6 процентни ташкил этади.

Планга қўшимча ишлаб чиқариладиган кенг истеъмол буюмлари: 2500 минг сўмлик ва 50 минг сўмлик.

Тежаладиган қора ва рангли металлар: 450 тонна ва 256 тонна; 2 минг гига-калорий иссиқлик қувват ва 499 тонна шартли ёқилғи; 2 миллион киловатт-соат ва 2,5 миллион киловатт-соат электр қувватн.

Янги ўрнатиладиган ускуналар: 150 та ва 12 та.

Ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан олинадиган шартли тежам: 1 миллион сўмлик ва 920 минг сўмлик.

Октябрь райони бўйича пудрат қурилиш-монтаж ишлари плани шу йил 25 декабрда. Чилонзор районида эса 28 декабрда бажарилади, қурилишда меҳнат унумдорлиги 1979 йил планига нисбатан 0,5 процент ва 1 процент ўсади. 57 минг квадрат метр ва 65,3 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилади.

Қурилиш-монтаж ташкилотларида Н. Злобин методи асосида ишлаётган бригадалар миқдори Октябрь районида 90 тага ва Чилонзор районида 139 тага етказилади.

Чилонзор райони транспорт ташкилотлари юк ташиш планини 26 декабрда бажарадилар. Планга қўшимча 60 минг тонна юк ташилади, район автохўжаликлари бўйича планга қўшимча 200 минг сўм даромад олинади.

Октябрь райони корхоналари ва ташкилотларида 4.220 кишини, Чилонзор районида 1.240 кишини турли ишчи касбларига ўргатилади. Малакаси ошириладиган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар: 2.846 киши ва 2.250 киши.

Тошкент области ва Жиззах областидаги оталиқдаги колхоз ва совхозларга қишлоқ хўжалиги техникасини ремонтдан чиқаришда, бинолар қуришда ва бошқа ишларда 110 минг сўмлик ва 170 минг сўмлик ёрдам кўрсатилади.

Маиший хизмат ва чакана товар оборотн бўйича план 26 декабрда ва 28 декабрда бажарилади.

«Бир беш йилликда — икки беш йиллик топшириғи» шиори остидаги социалистик мусобақага жалб этилади: 122 киши ва 56 киши.

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қадар Октябр районида беш йиллик топшириғини 38 бригада ва 330 ишчи, Чилонзор районида 246 бригада ва 938 ишчи бажаради.

«Беш йиллик план — СССР янги Конституциясининг уч йиллигига қадар» шиори остидаги социалистик мусобақага жалб этилади: 29 ва 2 цех, 41 ва 58 бригада коллективлари, 4.024 ва 967 ишчи, Октябрь районда 7 корхона коллективи беш йиллик планни шу йил 7 октябргача бажаришга аҳд қилди.

«Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остидаги мусобақага жалб этилади: Октябрь районида 18 корхона ва ташкилот, 173 цех ва участка, 533 бригада коллективлари, 11420 ишчи; Чилонзор районда эса 46 корхона ва ташкилот, 237 цех ва участка, 763 бригада коллективлари, 15650 ишчи.

РАЙОНЛАРНИНГ САНОАТИ МАҲСУЛОТ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИНИ ШУ ЙИЛ 7 ОКТЯБРДА ВА 7 НОЯБРДА БАЖАРАДИ.

ЦЕХЛАР, БРИГАДАЛАР ВА ИШЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР ЎН КУНЛИКДА; КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ЭСА ҲАР ОЙДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

РАЙОНЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЗКУР ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР КВАРТАЛДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

Ҳ. Тошхўжаев — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг секретари; **М. Аъзамов** — Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси; **А. Мунавварова** — Ўзбекистон ЛКСМ Октябрь район комитетининг секретари; **И. Прасолов** — 159- қурилиш трестининг комплекслашган бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси; **М. Юнусова** — бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчиси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати.

Т. Содиқов — Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг секретари; **А. Карасева** — Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси; **И. Яковлев** — Ўзбекистон ЛКСМ Чилонзор район комитетининг секретари; **Ҳ. Баҳодиров** — 153- қурилиш трести бригадири; **Н. Иброҳимова** — 2- пойафзал фабрикаси бичувчиси.

ШОНЛИ АНЪАНАЛАР ИЗИДАН

Республиканинг бош музейида

ДИЛДА ДОҲИЙ ЁДИ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида бир қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Музей коллективи Н. Крупская номидаги республика пионерлар саройи коллективи билан ҳамкорликда «Владимир Ильич Ленининг номи жаҳон ҳаритасида» мавзуида қизиқарли тадбирлар ташкил этяпти. Унда пионерлар саройининг ўқувчилари актив иштирок этишяпти. Улар доҳийнинг ёшлик йиллари, ҳаёти ва ўқиши билан боғлиқ қизиқарли саҳифаларини ўрганиб, бу ҳақда ўртоқларига сўзлаб берадилар.



Галина Бобомуҳамедова шаҳримиздаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-цехида узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бўлган бу илғор тикувчи смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этяпти.

СУРАТДА: Г. Бобомуҳамедова.

И. Шонноғомов фотоси.

Конвейердан янги туширилди

Икки юз элликдан ортиқ

Бугунги кунда «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конвейеридан 250 хилдан ортиқ кенг истеъмол буюмлари туширib олинмоқда. Уларнинг сони яна 3 тага ортди. Конвейердан тикув буюмларининг пардози учун ишлатиладиган махсус лента, «Н» (янгилик) индекси билан аёлларнинг икки хил рўмоли, эркаклар шимининг пардози учун ишлатиладиган капрон ипдан ишланган пардозлаш лентаси туширib олинмоқда. Коллектив ўтил бошидан буён ана шу янги маҳсулотлардан бир неча ўн минг сўмлигини савдо ташкилотларига жўнатди.

Бирлашмада буюмлар сифатини ва уларнинг ассортиментини яхшилашга катта эътибор бериляпти. Шу кунларда капрон ипдан тугма илгич, чилвир ишлаб чиқариш устида иш олиб бориляпти. Ана шу капрон чилвирни давлат Сифат белгиси аттестациясига тақдим этиш кўзда тутилган.

Ацетат газламадан тайёрланадиган рўмолларга олимпиада рамзи — айиқчанинг расми туширилади. Коллектив олимпиада ўйинлари очилгунга қадар бундай буюмлардан 30 минг сўмлигини бош конвейердан туширib олади. Бир сўз билан айтганда, «Учқун»чилар бу йил 18 миллион 800 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Статистика ахборoти

БУДАПЕШТ. 1979 йилда республика халқ хўжалигининг ривожланиши тўғрисида ВҲР Марказий статистика бошқармасининг матбуотда эълон қилинган ахборoти Венгрияда социалистик қурилишнинг эришган муваффақиятларини ва ғ. Венгрия социалистик ишчи синфи партиясининг олиб бораётган иқтисодий ва социал сиёсати тўғри эканлигини яққол акс эттиради.

Ўтган йили мамлакатнинг миллий даромади 550 миллиард форинтга етди ва 1978 йилги даражага нисбатан қарийб бир ярим процент ошди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 процент кўпайди. Химия, машинасозлик, бинокорлик саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда, дейилади мазкур ахборотда.

Энергетика янада ривож топди. Венгрияда беш йилликнинг тўртинчи йилида 24,5 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди, 25,7 миллион тонна кўмир, 2 миллион тонна нефть чиқарилди.

Республика қишлоқларининг меҳнаткашлари яхши натижаларга эришдилар. Об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлигига қарамай, деҳқонларнинг зарбдорларча меҳнати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмини ўтган йилги даражасида сақлаб қолишга имкон берди.

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

УЛАН-БАТОР. Монголияда Салхит-Ўрденэт билан Дархан Шарингол ўртасидаги катта пўлат магистрал йўлнинг энг муҳим участкаларида 2-М-62 кучли совет тепловозларини ишлатишга тайёргарлик бошланди. Шу трассаларда бундай тепловозларнинг қатнаши товар поездларининг юк ташиш ҳажмини икки баравардан энёд кўпайтиришга, поездлар қатновининг тезлигини анча оширишга имкон беради.

Совет мутахассислари Улан-Батор темир йўлининг бутун локомотив хўжалигини реконструкциялашда, янги тепловозларга хизмат қилувчи ремонтчилар ва фойдаланувчилар бригадаларини тайёрлашда Монголия темир йўлчиларига ёрдам бериб турибдилар.

Монголия темир йўлчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига юк оборотн планини ошириб бажариш ва шу ҳисобдан пландан ташқари бир ярим миллион тугрикдан ортиқ фойда олиш мажбуриятини қабул қилдилар.


«ЎРМОН — БИЗНИНГ ИФТИХОРИМИЗ»

БЕРЛИН. Берлиннинг харитасига назар солсангиз, шаҳардаги кенг кўчалар билан туташиб кетган кўкаламзор қалин ўрмон массивларига беихтиёр кўзингиз тушади. Берлиндаги ўрмонзорларнинг умумий майдони 7600 гектар дан кўп. Шаҳарнинг ҳар бир аҳолисига ўрта ҳисобда 13 тадан дарахт тўғри келади. Ҳамма пойтахтлар ҳам ўзининг мана шундай кўкаламзор майдонларига эга деб бўлмайди.

Ўрмон бизнинг ифтихоримиз ва бебаҳо бойлигимиздир, дейди Берлиннинг бош ўрмончиси Г. Илленфельд. ГДР пойтахти атрофини қуршаб олган кўкаламзор халқа миллионлаб кубметр ҳавони тозалайди.

Берлин массивидаги барча дарахтларнинг 50 процентдан кўпроғи 80 ёшдан ошган. Бу йил уларни яшартириш учун 60 гектар майдондаги дарахтларни кесиш, уларнинг ўрнига тахминан 900 минг туп арча, қайин, дуб кўчатлари ўтказиш мўлжалланади. Шунингдек янги йил арчаларни етиштиладиган махсус арчазорлар барпо этилади.

Ўрмончиликка пионерлар, эркин немис ёшлар союзининг аъзолари катта ёрдам бермоқдалар. Минг-минглаб йигит-қизлар ҳар йили баҳорда ва ёзда ўрмон участкаларига бориб ишламоқдалар, пойтахтнинг ўрмон бойлигини сақлаб қолиш, кўпайтиришга ёрдам бермоқдалар.



Секешфехервар шаҳридаги «Видеотон» заводи Венгрилдаги радио ва телеаппаратура, электрон-ҳисоблаш техникаси маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган энг йирик корхонадир.

СУРАТДА: завод коллективи томонидан ишлаб чиқилган катта экрандаги 12-каналли телезизорни кўриш турибсиз.

МТИ—ТАСС фотоси.

Алоқа кенгаймоқда

ГАВАНА. Совет Иттифоқи билан Куба ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни бошлаб берган дастлабки ҳукуматлараро шартномаларнинг имзоланганига шу кунларда 20 йил тўлмоқда. Ўша вақтдан бери иккала мамлакат ўртасидаги алоқалар борган сари кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Савдо ҳажми 1960 йилда 160 миллион сўмлик эди, ҳозирги вақтда 4 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетди. Совет техника мутахассислари ёрдамида Кубада экономиканинг янги тармоқлари барпо этилди.

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Сайлов олди кундалиги

Октябрь район Совети ижроия комитети биноси одамлар билан гавжум. Бу ерда ҳар куни депутатлар, агитаторлар, сайловчилар йиғилиб туришади. Советларга сайловлар куни муносабати билан район Совети ижроия комитети биносида алоҳида хона жиҳозланган. Хонада район сайлов комиссияси ўз ишини давом эттирмоқда. Унга «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Мажитхўжаев раислик қиляпти. Кенг ва ёруғ хона деворида район сайлов комиссиясининг состави ва иш плани осиб қўйилган.

— Районда бу галги сайловларда 95 мингдан ортиқ сайловчи овоз беради, булар учун 46 та сайлов участкалари ишлаб турибди. «Янгиобод» маҳалласида битта янги — 30-сайлов участкаси очилди, — дейди комиссия раиси. Комиссия аъзоларига сайлов участкаларини бўлиб берилган. Улар ўз сайлов участкаларида бўлиб, агитаторларга ишни ташкил қилишда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ҳар ҳафтада комиссия ҳайъатининг мажлиси бўлади. Мажлисда комиссия аъзолари ўзларига бириктирилган сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик ишлари қай йўсинда йўлга қўйилганлиги ҳақида ҳисобот берадилар. Комиссия аъзоларининг охирги мажлисида 23, 28, 3, 15, 21, 35, 40-сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик ишларининг аҳволи кўриб чиқилди.

Жумладан, комиссия аъзоси Светлана Михайловна Семёнова ҳисоботи тингланди. Унга икки сайлов участкаси бириктирилган. Биринчиси—Қишлоқ хўжалиги министрлиги биносига жойлашган 1-сайлов участкаси бўлиб, унга В. Ф. Дробишев раислик қиляпти. У ерда бир неча бор суҳбат ва учрашувлар ўтказилди. Агитаторлар қилаётган ишлари бўйича кундаликлар тутганлар. Сайловга оид сиёсий адабиётлар мавжуд. Иккинчиси—Алоқа политехникуми биносига жойлашган 2-сайлов участкаси. Бу намунали сайлов участкасига техникум директори Э. И. Нуриддинов раислик қиляпти, хонаси жуда яхши жиҳозланган. Сайловчилар бу ерда ташкил қилинган справкалар столидан ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб олишлари мумкин. Шунингдек, М. С. Кондаков раислик қилаётган 8-бадиий буюмлар фабрикаси директори Ё. Акбарова раислик қилаётган 92-мактабга жойлашган 15-сайлов участкаси намунали ишлаётганлиги комиссия томонидан таъкидлаб ўтилди.

Хонада комиссия аъзоси — «Сувенир» фабрикаси ишчиси Муқаддас Акбарова навбатчилик қилаётган экан. Биз ундан қилинаётган сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бу сафарги сайловларда Ўзбекистон ССР Олий Советига — 7 нафар, Тошкент шаҳар Советига—57 нафар, Октябрь район Советига — 225 депутат сайланади. Сайловнинг уюшқоқлик билан ўтиши учун биз сайлов участкалари комиссия аъзолари билан яна бир бор сайловчилар рўйхатини кўриб чиқамиз.

С. АЗЛАРОВ.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

19 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

Қуддус МУҲАММАДИЙ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР
Давлат мукофоти лауреати.

Бахт нимаю, бахтсизлик нимадан?

Эркинжон яна тағин,
Уйлашни маза ёғин,
Гаштини билиб олди,
Зеҳнини ишга солди.
Бахт нима-ю, бахтсизлик,
Аҳд нима-ю, аҳдсизлик!
Бир хил одам бахтиёр,
Бир хил одам бахтсиз, зор,
Дейишади бир хиллар,
Сабабини ким билар!
Сабабин билай ўзим,
Чорасин қилай ўзим,
Ҳеч ким бахтсиз бўлмасин,
Бахти офтобдай кулсин,
Доимо бахтли бўлсин.
Бахти оламдай тўлсин.
Билдим бахтли, бахтсизлик,
Ёки ақдли, ақдсизлик,
Барч одам ўзидан,
Уз феъли, ўз изидан,
Узининг қилмишидан,
Ўнгу терс юришидан,
Ақл, жаҳл, ҳушидан,
Ҳаётий турмушидан.
Одамзод танасида,
Бор вужуд хонасида,
Ақл, жаҳл ҳукмрон,
Ажралмас икков бир ен.
Бир-бирининг қасдида,
Гоҳ баланд, гоҳ пастида,
Тортишгани тортишган,
Олишгани олишган,
Келишолмай қолишган.
Бу ҳақда ҳалқ мақоли,
Мақол мазмуни боли:
Ақли кўпнинг жаҳли йўқ,
Жаҳли кўпнинг ақли йўқ.
Деганлари билсамиз,
Ақл офтоб нур чексиз.
Олам қизиғи қуёш,
Одамнинг қизиғи бош.
Бошда ақл чироғи,
Ақл турмуш яроғи,
Бутун танни ёритар,
Кенг оламни таниттар,
Тенг оламни танитар.
Ақлнинг порласа кундек,
Меваси чаман гулдек,
Ранго-ранг янгиликлар,
Пайдо минг бир кўриклар,
Одамлик салобатинг,
Одамлик саодатинг.
Ҳаммаси ақл-нурдан,
Ақл, меҳнат гулидан.
Агар жаҳлинг авж олса,
Ақлингга човут солса,
Енголмаса ақлинг гар,
Ҳаётинг этар афгор,
Қалбингга зулмат чўкар,
Кўксингни чок-чок сўкар,
Қанотинг қайрилар бот,
Ҳаётинг этар барбод,
У кун бўлмасин, ҳайҳот.
Етолмайсан муродга,
Қолиб қулфат, ғурбатга,
Бахтсиз бўлиб қоласан,
Аҳдсиз бўлиб толасан.
Ана бахтли, бахтсизлик,
Ақл-жаҳл, ҳадсизлик.
Ақлингни кучайтирган,
Жаҳлингни пучайтирган:
Ақли кўпнинг жаҳли йўқ,
Жаҳли кўпнинг ақли йўқ.

Эй, болалар, болалар!

Эй, болалар, болалар!
Бир-биридан аълолар,
Ҳай-ҳай, ўткир, ғўзалсиз,
Олам бўлиб ўзарсиз.
Оламнинг қизиғисиз,
Одамнинг ўзиғисиз,
Олам гули, дурисиз,
Одам юз-кўз нурисиз.
Қанча таъриф этсам ман,
Шеър қўшиқлар битсам мани,
Болалик кўркингизни,
Бахтиёр эркингизни,
Болалик йилингизни,
Аълолик илмингизни,
Оламий билмингизни,
Одамий дилингизни,
Бор бўйи қамролмайман,
Қамрамай қололмайман.
Ижодимнинг асоси,
Илҳомимнинг ҳавоси,
Қўшиқ-яллам парвози,
Она аллам навоси,
Болалик сурнайингиз,
Болалик карнайингиз,
Жаранглатсам, янгратсам,
Сизга кўнглим англатсам.
Умрингиз кўклам-лигин,
Одамий кўркам-лигин,
Оламий улканлигин,
Куйламайин бўлурми,
Сизсиз кўнглим тўлурми!
Шоир бўлмай иложим,
Борми ёзмай қулочим,
Бахту иқболим, мавжим,
Завқи-шавқ, меҳр авжим,
Илҳомимнинг қайноғи,
Шеър-қўшиғим қаймоғи,
Узингизсиз, ўзингиз,
Олам қучар кўзингиз.
Бўлинг олам посбони,
Олам, одам дўстжони.
Эй, болалар, болалар,
Эй, болалар, болалар!
Чиннақтир тонгдек поклаб.
Кўнглини топқир этгин,
Чарчамас чопқир этгин!
Олам тубига етгин!
Кўнглининг конини оч!
Меҳр нур, гавҳарин соч!
Кўнгиллар оламин топ!
Ақлинг унга калит боп,
Одам кўнгли ажойиб,
Оламдек қулоч ёйиб,
Тинним билмай ишлайди,
Тан оламни ҳушлайди.

Кўнгил — бош ойнажаҳон

Кимга бу олам сари
очилса йўл,
Олам аро аҳли дил
ул бўлди ул.
(А. НАВОИЙ).

Кўнгил бош олам жаҳон,
Кўнгил қўёш ойнажаҳон.
Одам кўнгли ажойиб,
Оламдек қулоч ёйиб,
Тинним билмай ишлайди,
Тан, аъзони ҳушлайди,
Ўта ўткир, меҳнаткаш,
Меҳрибон, дилбар, диловш.
Ажойиб сайнажаҳон,
Унга оила — жаҳон.
Ойна жаҳон ҳам шундан,
Ҳатто оша ой кундан,
Чор уфқни чарх урар,
Бутун оламни кўрар,
Бутун одамни кўрар.
Азамат ишчиси ҳам,
Паҳлавон кучлиси ҳам,
Қаҳрамон бурчлиси ҳам,
Соғлиғимиз гарови,
Ақлимиз ҳамроҳ, довн.
Танга гардни кўндирмас,
Кўнса агар ўнгдирмас.
Ҳамма вақт огоҳ ўздан,
Кўраган ўткир кўздан.
Шунинг учун боболар,
Кўпни кўрган донолар,
Дейдилар, кўнгил олам,
Кўнгил ичида одам,
Кўнгил ичида олам.
Ягона доно, танҳо,
Уни ранжитма асло,
Тилагимни қил аъло,
Ақлингга хизмат қилдир,
Кўнглини доим қулдир.
Кўнгилни очиқ тутган,
Ғам-ғуссани унутгин,
Кўнгилни ишлат тоблаб!
Чиннақтир тонгдек поклаб.
Кўнгилни топқир этгин,
Чарчамас чопқир этгин!
Олам тубига етгин!
Кўнгилнинг конини оч!
Меҳр нур, гавҳарин соч!
Кўнгиллар оламин топ!
Ақлинг унга калит боп,
Одам кўнгли ажойиб,
Оламдек қулоч ёйиб,
Тинним билмай ишлайди,
Тан оламни ҳушлайди.

● ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ер ости «яшинқайтаргичи»

Харьковлик олимлар электр тармоқларидан ерга ўтиб бинолар-нинг пойдеворларини ва ер ости коммуникацияларини корро-зияга йўлиқтирадиган токлар учун ўзига хос тузоқ яратдилар.

Улар ишлаб чиққан электр ўтказадиган бетон яшинқайтаргич сингари дайди токларни муайян йўналишга солишга қодир. Пойдеворларни ёки новариқларни ясашда шу янги материалдан фойдаланилади.

Электр ўтказадиган бетон лаборатория шароитларида синаб кўрилади, шу йил шаҳар иссиқлик тармоғини ётқизишда уни жорий этиш мўлжалланади. Харьков инженерлик қурилиш институтида маълум қилишларича, бу янгиликни қўллаш билан дайди токлардан фойдаланиш борасида катта истиқболлар очилади. Илгари беҳудага йўқ бўлиб кетадиган электр энергиясини трамвай линияларига қайтариш, аккумулятор ва конденсаторларни зарядлашда ишлатиш мумкин бўлади. Бундан ташқари симдан ток ўтаётганда ҳосил бўладиган иссиқликдан арзон иссиқлик чиқарадиган материаллар ясаш мумкин. Шундай иситадиган қопламаси бўлган аэродром ва автомобиль йўллари яхмалак бўлмайди.

* * *

Қадимги пахтакорларнинг рецепти билан

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик эксперименталбиологияси институтининг олимлари деҳқонлар бундан уч минг йил аввалроқ практикага жорий этган агротехника усулининг моҳиятини тушунтириб бердилар.

Қадимги пахтакорлар чигитга денгиз бўйи қумини сепиб ҳозирги тил билан айтганда, уруғликка кальций моддаси берганлар: бу элемент тувнинг зарарли таъсирини қирқади.

Шу қадимги усул эндиликда замонавий технологик йўсинда ишлатилмоқда. Кальций нитрати эритмасига солиб ишлов берилган чигит қийғос униб чиқади, пахта тез етилади, шўрҳоқ ерларда ҳосилдорлик ошади.

Биологик олимлар билан деҳқонларнинг бу ҳамкорлиги самарали бўлиб чиқди. Масалан, Сирдарё область, Боёвут районидаги «Ленинизм» колхозида кальций нитратини қўллаш гектар бошига ҳосилни 5—7 центнер кўтаришга ёрдам берди.

Бу йил Сирдарё областининг хўжаликлари кальций нитрати билан ишлов берилган уруғликни минглаб гектар ерга экадилар.
(ТАСС).

* * *

Самарадорликни оширади

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти юқори молекуляр бирикмалар химиявий технологияси проблема лабораториясининг илмий ходимлари ацетат толаларнинг хусусиятларини модификация қилишнинг янги усулини топдилар. Бу усулнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши Фарғона химиявий толалар заводига тўқимачилик ипининг яхшиланган сифатини олиш жараёнини ишлаб чиқиш имконини берди.

Модификация қилинган ацетат толаси буюмларни яхши сифатли қилиб ишлаб чиқаришга ёрдам беради, шунингдек тўқимачиларнинг меҳнат самарадорлигини оширади.
(ЎзТАГ).

«ФАН ВА ТУРМУШ» — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ


Ҳамза районидаги «Маҳмур» маҳалласида олиб борилаётган маданий-оқартув ишлари таҳсинга лойиқ. Маҳалланинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, маҳалла активларининг жамоатчилиги асосида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Куни кеча маҳаллада истиқомат қилувчилар «Фан ва турмуш» журналининг бир гуруҳ ижодий ходимлари ва олимлари билан фанлари кандидати Эгамбердиев шу жумлалар билан бошлаган суҳбати йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

Учрашувда журнал редколлегиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор Раҳим Бекжонов, редакция қошидаги ёш фантаст-ёзувчилар советининг аъзолари, ёзувчи ва танқидчи Маҳкам Маҳмудов, шоир Аскар Қосимов ва бошқалар иштирок этишди.

«Маҳмур» маҳалласи аҳли журнал фаолиятини қўллаб-қувватлади, таклиф ва истакларини билдириб, редакция коллективининг келгуси ишларида катта муваффақият тилади.

А. ЗОҲИДОВ.





• Олий ўқув юртларида

МЕДИЦИНАДА ПОЛИМЕРЛАР

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида янги лаборатория очилди. У синтетик полимерлар кафедраси базасида ташкил этилди. Бу лаборатория медицинада ишлатиладиган полимерларни ҳосил қилиш ва ишлатиш бўйича тадқиқотлар олиб боради. Бундай лабораториянинг ташкил этилиши бежиз эмас. Олий ўқув юртларининг химиклари, медицина полимерлари соҳасидаги ишлари учун 35 авторлик гувоҳномасини олишга сазовор бўлганлар.

Илмий тадқиқот лабораториясида ишлар икки йўналиш бўйича олиб борилмоқда. Биринчидан, олимлар эримайдиган полимерлар бўйича изланишлар олиб боряптилар. Бундай полимерлар ички органларни протезлашда қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, тирик организмнинг «эҳтиёт» қисмлари вазифасини ўташи мумкин. Полимерларнинг айрим турларидан қон томирлар, юрак учун клапанлар, сунъий тиш ясаш мумкин. Буларни тирик организмга мослаштириш лаборатория олимлари олдида турган вазифалардан бири. Иккинчидан, бу ерда сувда эрийдиган полимерлар устида ҳам қизиқарли ишлар қилинялти. Бундай полимерлар дава препаратлари тайёрлашда қўл келади.

СУРАТЛАРДА: доцент Т. Бобоев ва химия фанлари кандидати А. А. Ким ультрацентрифуганы ишга ҳозирлаяптилар; кичик илмий ходим Н. Эргашева физиологик актив полимерлар эритмаси бўйича физик-химик тадқиқотлар олиб боряпти.

Н. Горохрик фотолари.
(ЎзТАГ).

АДАБИЁТДА — ҲАРБИЙ МАВЗУ

БАРҲАЁТ ЗАМИН

Бизнинг ҳар соҳадаги ижодкорлик меҳнатимиз, фаолиятимиз халқ ҳамда мамлакатимизнинг тинчлиги, эркинлигини, бахти-саодатини кўз қорачиғидай қўриқлаётган шонли Совет Армиясига, ҳарбий хизматчиларга, жангчиларга бевосита таалluқлидир. Зотан, Октябрь инқилобининг ғалабаси билан бирга янги типдаги армиянинг, шонли Қизил армиянинг туғилиши бежиз эмас. Унинг ташкил бўлиши 1918 йил 23 февраль деб белгиланган ва шундан буён ҳар йили бу санани алоҳида фахрланиш туйғуси билан нишонлаб келмоқдамиз. Нишонлаётганимизда шуни унутмаймизки, Қизил Армиямизнинг таржимаи ҳоли инқилобдан олдинги даврдан, ишчиларнинг оммавий иш ташлашлари, қуролли қўзғолонлари, ёзувчиларга қарши курашларидан бошланиб, оламшумул аҳамият касб этган буюк Октябрь ғалабаси жараёнида ҳам, сўнгра граждан-лар уруши ҳамда Улуғ Ватан уруши мобайнида ҳам, ҳозирда ҳам, бундан кейин ҳам муттасил давом этаверади, ўзгариб, мустаҳкамланиб, бойиб бораверади.

Бир пайтлари оддий милтиқлар, тўплар, «Максимка» пулеметлари билан жанглар олиб борилганини эслаб, ҳозирги замонавий ракеталар, техника ускуналарини, ҳар жиҳатдан такомиллаштирилган қуролларни кўз олдингизга келтиринг-сангиз, армиямизнинг бугунги ҳарбий қудратини тасаввур қилишингиз мумкин. Бордию, бу қудрат кирғинлар келтиришга эмас, балки ҳалқимиз, юртимиз тинчлигини, мудофаасини таъминлашга қаратилганини назарда тутсак, унда салмоқли ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий мазмун мужассамлашганини англашимиз қийин эмас. Бинобарин, ҳарбий тематика ва проблематиканинг жуда теран, мустаҳкам ҳаётий заминни бўлиб, уни тўлақонли, ҳаққоний образлар орқали тадқиқ этиш билан ижтимоий тараққиётга, заҳматкаш халқимиз онги, тафаккурининг ўсиш-ўзгаришига таъсир ўтказиш ҳам қарз, ҳам фарздирки, барча совет ёзувчилари, жумладан, ўзбек ижодкорлари шунга мувофиқ қалам тебратиб келмоқда.

Хўш, нималар гавдалантирилятти, қандай кўрсатиляпти, кимларнинг интилиш-изланишлари ёритилятти?

Аввало шуки, ўзбек қизил аскарининг ўлкамизда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш даврида олиб борган фаолиятини муқаммал кўрсатадиган йирик асарларга, эпик полотноларга эга эмасмиз, бироқ унинг тарж имаи ҳолига оид муҳим воқеаларни баъзи-баъзида сиёсий ҳужжатли, ҳужжатга яқин асарларда, ҳикоя, қисса, очерк, публицистик мақолаларда, ҳатто шеърларда ёритилганини кўрамиз. Ҳарбий ҳаётимизнинг ўзига хос қирралари, ўзига хос ранг-баранглиги, ҳарбий ҳаётимизнинг ўзига хос ҳовлиқмалик, шошма-шошарлик мавжудлигини, ҳали курашларда тобланмаганини, кенг миқёсда фикрлаш, мулоҳаза юритишга эришолмаганини рўйи-рост кўрсатади.

Гап фақат совет армияси шаклланиб, ўсиб, камол топиб келаётган давр тўғрисидагина эмас, балки Улуғ Ватан уруши, ҳозирги замонга оид ҳарбий мавзуни ёритиш ҳақида ҳам кетяптики, буни алоҳида уқдириш лозим. Негаки, илмий-техник инқилоб кенг қулоч ёзиб кетаётган ҳозирги замонда яратувчи, ижодкор инсон ҳам тобора ўсиб, ўзгаряпти, лекин унинг ҳаёти, характери, интилиш-изланишлари ида мураккабликлар, чигалликлар ҳеч қачон камаймайди, аксинча, янада ортиб, янгича мазмун касб этиб боради.

Улуғ Ватан уруши мавзусига мурожаат этаётган кўпгина ижодкорлар, жумладан, машҳур белорус адиби Василь Быковнинг «Сотников», «Тонг отгунча яшаш керак» деган киссалари бунинг тўғрилигини исботлайди.

Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романи ҳам нималари билан Василь Быков асарларига муштаракдир. Ҳар ҳолда унда оддий солдат Бектемирнинг дастлабки пайтларда жангларнинг дахшатидан кўр-ҳиб, ҳадиксираб юриши, ҳа деганда уруш шароитига кўниколмай қийналиши силлиқлаштирилмасдан тасвирланади, натижада ростакам фронт «таъмини» сезгандай бўламиз.

Хуллас, шонли армиямиз тарж имаси ҳолининг қайси бир давр замонга оид саҳифаси қаламга олинмасин, ҳамма вақт ҳаёт ҳақиқати бош мезон бўлиши керак, акс ҳолда тўлақонли, ҳаққоний образлар яратиш мумкин эмас. Зотан, социалистик реализм шунинг учун қудратли, буюк кучга эгаки, у инсон фаолияти, кечинмалари, хатти-ҳаракатларини тадқиқ этишда фақат ҳаёт ҳақиқатига асосланади. Ҳаёт ҳақиқатидай мустаҳкам, салмоқли, улуғвор заминдан ташқарида ҳар қандай истеъдодли ёзувчи ҳам кўзланган маҳорат чўққиларини забт этолмайди, бадиий кашфиётлар яратолмайди.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,
филология фанлари доктори.

Бизнинг ҳар соҳадаги зан бевосита, баъзан баасарни олиб кўрманг, асарлари тўла тасдиқ-сирчанлик қудратидан ижодкорлик меҳнатимиз, восита тадқиқ этаётган унда кизил аскарларга дайди. Чунки машҳур махрум бўлади.

Назир Сафаров ўзининг «Наврўзи»да қизил аскарларнинг ўзбек ишчилари, деҳқонларидан етишиб чиққанлиги, шунга мувофиқ уларнинг хатти-ҳаракатида деҳқонча соддалик, айрим ишчиларга хос ҳовлиқмалик, шошма-шошарлик мавжудлигини, ҳали курашларда тобланмаганини, кенг миқёсда фикрлаш, мулоҳаза юритишга эришолмаганини рўйи-рост кўрсатади.

Гап фақат совет армияси шаклланиб, ўсиб, камол топиб келаётган давр тўғрисидагина эмас, балки Улуғ Ватан уруши, ҳозирги замонга оид ҳарбий мавзуни ёритиш ҳақида ҳам кетяптики, буни алоҳида уқдириш лозим. Негаки, илмий-техник инқилоб кенг қулоч ёзиб кетаётган ҳозирги замонда яратувчи, ижодкор инсон ҳам тобора ўсиб, ўзгаряпти, лекин унинг ҳаёти, характери, интилиш-изланишлар ида мураккабликлар, чигалликлар ҳеч қачон камаймайди, аксинча, янада ортиб, янгича мазмун касб этиб боради.

Улуғ Ватан уруши мавзусига мурожаат этаётган кўпгина ижодкорлар, жумладан, машҳур белорус адиби Василь Быковнинг «Сотников», «Тонг отгунча яшаш керак» деган киссалари бунинг тўғрилигини исботлайди.

Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романи ҳам нималари билан Василь Быков асарларига муштаракдир. Ҳар ҳолда унда оддий солдат Бектемирнинг дастлабки пайтларда жангларнинг дахшатидан кўр-ҳиб, ҳадиксираб юриши, ҳа деганда уруш шароитига кўниколмай қийналиши силлиқлаштирилмасдан тасвирланади, натижада ростакам фронт «таъмини» сезгандай бўламиз.

Хуллас, шонли армиямиз тарж имаси ҳолининг қайси бир давр замонга оид саҳифаси қаламга олинмасин, ҳамма вақт ҳаёт ҳақиқати бош мезон бўлиши керак, акс ҳолда тўлақонли, ҳаққоний образлар яратиш мумкин эмас. Зотан, социалистик реализм шунинг учун қудратли, буюк кучга эгаки, у инсон фаолияти, кечинмалари, хатти-ҳаракатларини тадқиқ этишда фақат ҳаёт ҳақиқатига асосланади. Ҳаёт ҳақиқатидай мустаҳкам, салмоқли, улуғвор заминдан ташқарида ҳар қандай истеъдодли ёзувчи ҳам кўзланган маҳорат чўққиларини забт этолмайди, бадиий кашфиётлар яратолмайди.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,
филология фанлари доктори.

Санъатнинг сеҳрли олами

«ҲАР БИР КУННИНГ МАҚСАДИ»

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида яратилган навбатдаги янги фильм ана шундай деб аталади. У ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили илғорларини тараннум этади.

Фильм Тошкент трактор заводининг ишчиси Муҳаммаджон Туроповнинг меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Фильм сценарийсини Э. Ҳўжаев ёзган, режиссёри Б. Музаффаров, оператори О. Ризаев. Картина Бутуниттифоқ экранларига чиқариш учун қабул қилинди.

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ.



Шаҳримиздаги 123-ўрта мактабда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Уқувчилар турли мусобақаларда қатнашиб, спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича тажриба оширишмоқда. Мактабда тез-тез Улуғ Ватан урушн ветеранлари билан учрашувлар бўлиб туради. Уқувчилар байрам кунлари уруш ветеранларига табриклар жўнатишади.

СУРАТДА: бир группа ўқувчилар Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунига бағишлаб тайёрлана ётган альбом учун материаллар танлашмоқда.
Р. Альбеков фотоси.

Халқаҳарларимиз хизматида

Йўловчиларга қулайлик

Тошкент аэропортининг Марказий ҳаво йўлларига училадиган аэровокзали иккинчи қаватида янги касса зали йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Йўловчилар учун ҳар жиҳатдан қулай қилиб ўрнатилган янги касса жиҳозлари олис манзилларга йўл олган пассажирларга қисқа муддатда сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради. Ўндан ортиқ касса билан ёнма-ён аэровокзал бошлиғи, смена бошлиғи, бўш ўринларга билет сотишни ташкил этиш смеиаси бошлиғи, шунингдек Тошкентга қўниб учадиган транзит йўловчиларга хизмат кўрсатадиган бўлимлар жойлашган.

Тез орада бу ердаги янги кассалар залида авиайўловчиларга учишдан олдинги кунларда ҳам билет сотишни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Уй-рўзғор ташвишида

ҚАНДИЛЛАРНИ ТОЗАЛАШ

Қандилларни тозалаш пайтида албатта электр тармоғидан узиб қўйилиши лозим. Улар дастлаб содали ва совунли сувда (электр симига сув теккизмасдан, ювилади. Кетмай қолган пахта доғлари денатурат билан артиб кетказилади.

Бронза қандил ёки лампа ювилгандан кейин новшадил спирти томизилган тиш порошоги билан тозаланади. Нам порошок металл ва шишага чўткада суртилади, қуригандан кейин қуруқ дағал латта билан артилади.

Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. ДАМИНОВ: «Вега-328» маркали магнитофонимиз бузилиб қолди. Шуни қайси устахонада тузаттириш мумкин?

Жавоб: Ўзингиз истиқомат қилиб турган райондаги «Зангори экран» ателъесига мурожаат қилинг. Навоий кўчасидаги бу ателье «Санъат саройи» биноси қаршисига жойлашган.

* * *

Д. ИКРОМОВА: Байкал-Амур магистрали хусусида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Жавоб: Бутуниттифоқ комсомоли зарбдор қурилиши Байкал-Амур магистрали Иркутск, Бурятия, Чита, Амур областлари территориясидан ўтади. Магистралнинг асосий участкалари Усть-кут, Звездный, Казачинский, Нижний Ангарск, Тинда, Чулман, БАМ, Ургалдан иборат бўлиб, у Комсомольск-Амур ва Тинч океани ёнидаги Совет Гавани портигача давом этади. Магистраль бунёдкорлари еттита катта дарё ва ўнлаб сойликлардан, Байкал, Станов, Дуссе —Алинск тизма тоғларидан пўлат из олиб ўтишмоқда. Тоғлар бағридан 260 километр тунпель очилади. Бу улкан вазифаларни амалга оширишда мамлакатимиз комсомол-ёшлари ишкоят ва мардлик намуналарини кўрсатишмоқда. Ўзбекистонлик комсомол-ёшлар БАМнинг ғарбий участкалари қурилишида фидокорлик кўрсатишяпти. Улар айни кунларда марказий БАМда меҳнат қилишмоқда.

Байкал-Амур магистрали битмас-туганмас бойликларга эга бўлган кўҳна Сибирни комплекс ўзлаштириш, мамлакатимиз бойлигига бойлик, қудратига қудрат қўшиш имконини беради.

* * *

М. ИНОҒОМОВ: Фурқат, Ўзбекистон ва Ҳалқлар дўстлиги кўчалари туташган жойда жуда катта қурилиш ишлари амалга оширилаётганидан воқифмиз. Айтишларича, бу ерда «Халқлар дўстлиги» майдони қад қўтарар экан. Бизга майдон лойиҳасининг муаллифлари хусусида маълумот берсангиз.

Жавоб: Тошкентда барпо этилаётган энг улкан объектларнинг бири ҳисобланган Халқлар дўстлиги майдони комплекси лойиҳаларини, «ТошНИИПИгенплан». Б. С. Мезенцев номли томоша ва спорт иншоотлари илмий тадқиқот экспериментал-лойиҳа институтининг ижодкорлари яратишган. Майдоннинг асосий иншооти 3 минг ўринли кино-концерт зали ҳисобланади. У Ҳадрадаги Тошкент Давлат цирки билан бир хил-геометрик ўқ атрофида жойлашган. Ҳозир бу ерда тўққиз қаватли турар жой бинолари ҳам қурилмоқда. Яқин келажакда 26 қаватли туристик меҳмонхона, 12 қаватли синчли-панелли уйлар ва бошқа аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда халқлар дўстлиги мавзуига бағишланган улкан мемориал ансамбли қад кўтаради.

* * *

Д. ҲОЖИМУҲАМЕДОВ: Мен «Марказ— 26» кварталида яшайман. Бизга бу ердаги турар жой бинолари жуда манзур бўлмоқда. Айтингчи, уларнинг лойиҳаларини кимлар тузган?

Жавоб: Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмига жойлашган «Марказ— 26» ва «Марказ— 27» турар жой кварталларидаги бинолар-нинг лойиҳаларини «Ташгипрогор» институтининг Г. Коробовцев, Х. Халилова, Р. Муфтахов каби меъморлари яратишган. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш иншоотларининг лойиҳалари эса Н. Жарский, В. Трошин, Л. Пергамент сингари архитекторлар ва инженерлар томонидан ишланган.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

физкультура и СПОРТ

КЕСКИН ВАЗИЯТДА

Тошкентнинг СПОРТ майдонларида

Хоккей бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган «Бинокор» командаси олдида қийин вазифа турибди. Дастлабки учрашувларда ҳамшаҳарларимиз яхши ўйин кўрсата олишмади. Натижада улар турнир жадвалининг қуйи қисмига тушиб қолишди. Ҳозир ҳамшаҳарларимиз хавфли зонадан чиқиш учун бор маҳоратларини ишга солишмоқда. Бу нарса Москванинг «Локомотив» командаси билан бўлган учрашувларда яққол кўзга ташланди. Москвaликлар пешқадамлар сафида бораётган бўлишларига қарамасдан дастлабки куни мағлубият аламини татиб кўришга мажбур бўлишди. Тезкор ва ҳужумкор ўйин кўрсатган ҳамшаҳарларимиз 7:4 ҳисобида галаба қозонишди. Таққорий учрашув ҳам қизиқарли ўтди. Бу сафар 3:3 ҳисоби қайд қилинди. Шундай қилиб, ҳамшаҳарларимиз пешқадам коллективлардан бири бўлган «Локомотив»дан 3 очко олишга муваффақ бўлишди.

Олий лигага чиқиш учун асосий даъвогарлардан бири бўлган Саратовнинг «Кристалл» командаси билан бўлган учрашувлар ҳам ниҳоятда кескин кураш вазиятида ўтди. Биринчи учрашувда майдон эгалари 4:3 ҳисобида галабага эришдилар.

Чимёнда «Катта Чимён совриғи» учун анъанавий тоғ чанғи спорти бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Голиблик учун бўлган учрашувларда Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва ўзбекистонлик спортчилар қатнашдилар. Команда ҳисобида биринчи ўринни қозоғистонлик чанғичилар қўлга киритишди. Республикамиз вакиллари эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг вакили А. Гоипов ва «Меҳнат» жамиятининг вакили О. Острогожская яхши натижа кўрсатишди. Улар тоғдан тез сирғаниб тушишда биринчи ўринни эгалладилар.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ САФАРДА

Янги мавсумга тайёргарлик кўраётган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Болгарияда бир неча ўртоқлик учрашуви ўтказди. Ҳамшаҳарларимиз бу ерда икки марта майдонга чиқишди. Дмитровград шаҳрининг командаси билан бўлган учрашувда 2:0 ҳисобида пахтакорчилар галаба қозонишди. Пловдив шаҳрининг «Локомотив» командаси билан бўлган учрашувда эса ҳисоб очилмади.

* * *

Свердловск шаҳрида мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган олти команда асосий баҳсларни бошлашди. Автомобилист командаси қизлари биринчи куни Киевнинг «Сокол» командаси волейболчилари билан беллашдилар. Дастлабки босқич беллашувларида бу командалар ўзаро икки марта куч синашган эди. Ҳар икки учрашув ҳам киевлик қизларнинг фойдасига ҳал бўлганди. Бу сафар ҳамшаҳарларимиз чиройли ўйин кўрсатиб, мағлубият аламини олишга муяссар бўлишди.

Иккинчи куни «Автомобилист» ва Москванинг «Динамо» командалари ўртасида бўлган учрашув ниҳоятда кескин вазиятда ўтди. Бунинг сабаби бор эди. Ҳар икки команда ҳозир бир хил очкога эга бўлиб, пешқадамларга етиб олишга ҳаракат қилмоқда. Омад динамочиларга ёр бўлди—2:3.

САНЪАТ ОЛАМИДА



Киев камер хорининг ёш солисти Лидия Забилястанинг овозини эшитган киши унинг талантига юксак баҳо бериши турган гап. Бу нўшинчи ўтган йили Киев давлат консерваториясини муваффақиятли тамомлади. Худди шу йили чет эллараа гастроль билан бориб катта муваффақиятга эришди. Натижада Украина ССРда хизмат кўрсатган артист деган юксак унвонга сазовор бўлди. 1979 йил ҳам бу нўшинчига катта муваффақият олиб келди. У Таллинда ўтказилган М. И. Глинка номидаги Бутуниттифоқ вокалистлар конкурсининг лауреати бўлди.

СУРАТДА: Лидия Забиляста ва Совет Иттифоқи Давлат Академик катта театрининг дирижери Қозоғистон ССР халқ артисти Фуат Мансуров билан бирга.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

СУД ЗАЛИДАН

Раҳмат билан Тойирали 23 — 24 ёшлардаги йигитлар. Ҳар иккиси ҳам ўрта маълумотли. Раҳмат Маханов Беруний шаҳрида туғилган. Тошкентдаги қурилиш техникумининг 3-курсида ўқиётган эди. Тойирали Давлетмуротов Хўжайлида туғилиб катта бўлган. Кейинги пайтда Тахиатош шаҳрида яшар, оилада бир фарзанд кўрган, шаҳар халқ судида секретарь бўлиб ишлар эди.

Бу икки ўртоқ Тошкентда учрашиб, спиртли ичимлик ичиб маст бўладилар. Кеч соат ўнларда 3-Салор посёлкасида темир йўл бўйлаб келишар эди. Бу йўлдан смена ишини тугатиб уйга — оиласи ёнига қайтаётган Ғиёс Ҳамитов ҳам кетаётган эди. Икки ўртоқ унинг ортидан қувиб етишади ва тўхтатишади.

— Сигаретадан ол, — деди Раҳмат йўловчига.

— Мен чекмайман, —деди-ю,— Ғиёс йўлида давом этди.

Олдиндан келишиб олган ўртоқлар бирон-бир «ишкал» чиқаришга сабаб тополмай алам қилди шекилли, унинг ортидан яна қувиб етишди.

— Пулдан чиқар, — деди бу сафар йўлтўсарлар.

Ғиёс пулим йўқ, дея олди холос. Шу топ унинг юзига Раҳмат мушт туширди. Мушт зарбидан ерга йиқилган Ғиёс Ҳамитовни Раҳмат билан Тойирали роса дўппослаб, бош-кўзига тепишди. Бунинг устига ҳушидан кетган жабрланувчининг киссаларини титкилаб, унинг ёнидан 9 сўм пулини шилиб олишди.

Шу пайт қилар ишни қилиб, бир четга чиқиб турган Раҳмат Маханов шерики Тойиралига қаёқдандир кишилар келаётганини хабар қилади. Инквизлон жабрланувчини жойида қолдириб, қоча бошлашди. Улар қочиб қаерга ҳам боришар эди, дейсиз? Милиция ходимлари жиноятчиларни тутиб келтиришди. Жабрланувчи Ғиёс Ҳамитов эса тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмига келтирилди. У шу ерда ҳушига келди. Безорилар унга оғир жароҳат етказишган эди.

Жиноятчи Р. А. Маханов ва Т. М. Давлетмуротовлар суднинг қора курсисида ўтиришибди.

Суд ҳайъати жиноятчи Р. А. Махановни —етти йил, Т. М. Давлетмуротовни эса — ўн йил қамоқ жазосига маҳкум этди. Улар қамоқ жазосини қўчайтирилган режимда ўтказадилар. Тўғри, улар ўз қилмишларига яраша жазоландилар. Лекин уларнинг қилмишлари Р. А. Маханов ўқиган Тошкент қурилиш техникумининг педагогик коллективи ва маъмурияти ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхши олиб бормаётганлигидан гувоҳлик бериб турибди. Шунинг учун ҳам Фрунзе район халқ судида ҳукм билан бирга алоҳида ажрим чиқарилиб, Тошкентдаги қурилиш техникумига юборилди. Техникум раҳбарлари қўлларига теккан алоҳида ажримдан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишлари керак. Шунингдек, Қорақалпоғистон АССРнинг Тахиатош шаҳар суди ўзларида халқ судининг секретари бўлиб ишлаган Т. М. Давлетмуротов нинг ахлоқи ва хатти-ҳаракати ҳақида билиб қўйишлари ва шундан хулоса чиқариб иш тутишлари лозим.

Ҳ. ХАЛИЛОВ,
Фрунзе район халқ судининг раиси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ

«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЁЗОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳавасхон ҲОЖИЕВА, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари — Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

27 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Москва катта цирки артистларининг Гастроллари

ПРОГРАММАДА:

«ШЕРЛАР ОРАСИДА»

(Вербер шерлари)

ИЛК СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи— цирк санъатининг Бутуниттифоқ кўриги лауреати ва Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти Борис БИРЮКОВ.

РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эрбек КАНТЕМИРОВ раҳбарлигидаги «АЛИБЕК»

ОСЕТИЯ ЙИГИТЛАРИ АТТРАКЦИОНИ

ПАУЗАЛАРДА — янги репризлар, масхарабозликлар, интермедияларнинг ижрочиси, масхарабоз-Мим, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилен МЕЛИКЖАНЯНнинг чиқишлари.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

„СЕРВИС“ АГЕНТЛИГИ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАРГА ОЛДИНДАН ПУТЕВКА СОТИБ ОЛИШ УЧУН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«СОСНОВАЯ РОША» дам олиш уйига (Москва яқинида) — 5, 14, 26 мартдан 12 кунга. Баҳоси— 42 сўм.

«ПОДМОСКОВЬЕ» пансионатига— 21 февралдан 12 кунга. Баҳоси— 54 сўм.

БОТУМИ ШАҲРИДАГИ (Қора денгиз бўйи) согломлаштириш туристик базаларига:

«ЗЕЛЕНИЙ МИС» туристик базасига — 2, 22 март, 11 апрель, 1, 21 майдан 20 кунга. Баҳоси— 90 сўм.

«МЕСХЕТИ» туристик базасига— 1, 21 март, 10, 30 апрель, 20 майдан 20 кунга. Баҳоси— 90 сўм.

«ЦИХИСДЗИРИ» туристик базасига — 1, 21 март, 10, 30 апрель, 20 майдан 20 кунга. Баҳоси— 90 сўм.

ЛЕНИНГРАД— «ЛОСЕВО» туристик базасига— 16 март, 24 апрель, 16 майдан 20 кунга. Баҳоси— 119 сўм.

«ПОДДУБСКАЯ» туристик базасига — ЛЕНИНГРАДГА— 8 мартдан 20 кунга. Баҳоси —118 сўм.

ЛЕНИНГРАД—ПУШКИНОГА—7 апрелдан 10 кунга. Баҳоси— 75 сўм.

ЛЕНИНГРАД-ИГНАЛИНАГА— 10 майдан 16 кунга. Баҳоси— 113 сўм.

ЛЕНИНГРАД ПАЛАНГАГА — 30 майдан 15 кунга. Баҳоси— 132 сўм.

Путёвкага буюртма берганингиздан сўнг аэрофлотнинг исталган маршрутига авиабилет сотиб олаверишингиз мумкин.

БУЮРТМАЛАР БЕВОСИТА «СЕРВИС» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 35-уй, шунингдек, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: 41-80-16, 41-80-11, 41-80-19.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

БОЛАНИНГ САЛОМАТЛИГИ ВА ҲАЁТИ УЧУН ЭНГ МУҲИМ НАРСА — УНИНГ ТЎЙИМЛИ ОВҚАТЛАНИШИДИР.

Янги туғилган чақалоқлар учун энг яхши овқат она сути, албатта. Агар она сути келмаса ёки у етарли бўлмаса, нима қилиш керак?

Саноатимиз аралаш сут уни ишлаб чиқармоқда. У сигирнинг сифатли сутидан қаймоқ, ўсимлик мойи, парҳез уни ва шакар, витамин қўшиб тайёрланади. Сут аралашмасининг хусусияти она сутига ўхшаб кетади.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Сизни «Малиш», «Малютка», «Крепиш», «Здоровье», «Роболакт» сут аралашмаларининг савдо-кўргазмасига таклиф қиламиз!

КЎРГАЗМА 20 ФЕВРАЛДА ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ 18-МАГАЗИНИДА ОЧИЛАДИ

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Г. Ғулом кўчаси, 7-квартал, 44-уй. (4, 9, 11-трамвайлар; 13, 29, 76-автобусларнинг «Рассом» бадиий комбинати» бекати).

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

(3-қаватда)

20— 22 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ БОШ КИЙИМЛАРИ ФАБРИКАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасида аёллар ва эркакларнинг сунъий мўйнадан тикилган телпаклари ва бошқа бош кийимлар намойиш қилинади.

ЦУМГА САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/II да Майсаранинг иши, 20/II да Жизель.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/II да Уйланиш.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 20/II да Тошкентнинг нозанин малинкаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/II да Ишқ қурбонлари (19.00), 20/II да Можаро (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «УРГАТИЛГАН ТИМСОҲЛАР», «ИЛОНЛАР РАҚСИ», «БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ» номерларининг хайрлашув гастроллари (19.30).

КИНО

19 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСОРАТ»— Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«ДЕСАНТЧИЛАР»— Восток.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЎЛАТ ҚАНОТЛАР ҚИССАСИ» — Чайка (18, 21.00, жавоб берувчи автомат 77-06-20), Москва (17, 20.00 жавоб берувчи автомат 33-05-01), Нукус (18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат 46-70-69).

«ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, АКА...» — Қозоғистон (16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 35-24-92), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (16, 18.30, 21.00), Дружба (16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 66-15-75).

«САВОЙЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ» — Кўнча (тоқ соатларда), Навоий номли (16.40, 18.10), Лисунов номли (тоқ соатларда телефон 96-63-60), Ҳамза номли (16, 18, 20.00, телефон 91-10-51).

20 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСОРАТ»— Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЎЛАТ ҚАНОТЛАР ҚИССАСИ» — Чайка (12, 15, 18, 21.00, жавоб берувчи автомат 77-06-20), Москва (11.30, 14, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 33-05-01), Нукус (11, 12.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат 46-70-69).

«ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, АКА...» — Қозоғистон (12, 13, 16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 35-24-92), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (11 13.30, 16, 18.30, 21.00), Дружба (13, 14, 16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 66-15-75).

«САВОЙЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ»— Кўнча (тоқ соатларда), Навоий номли (11, 12.40, 14.40, 16.40, 18.10), Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-63-60), Ҳамза номли (11, 12.30, 14, 16, 18, 20.00, телефон 91-10-51), Искра (16, 18, 19.45), телефон 39-11-76).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ИЛГАРИ КИРОВ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИДА ЖОЙЛАШГАН ЎҚУВ СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА ЯНГИ БИНОГА КЎЧИРИЛГАН

Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 16«а»-уй (70, 80-автобус, 19-троллейбуснинг (16-шаҳар касалхонаси» бекати).

Ўқув стоматология поликлиникаси ҳузурида терапия ва хирургия бўлимлари, шунингдек тиш техникаси лабораторияси билан ортопедия бўлими ишлайди.

Стоматологик беморлар икки сменада соат 9.00 дан 20.00 гача ҳар куни қабул қилинади.

Дам олиш куни— якшанба.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

СИЗЛАРНИ БАЙРАМ САВДОСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

Марказий универмагнинг ҳамма қаватлари, ҳамма секцияларида совға наборлари, сувенирлар, галантерея буюмлари, трикотаж, устки кийим, пойафзаллар савдоси уюштирилган.



ЦУМнинг биринчи қаватида корпуси хромланган ва олтин суви юритилган эркаклар ва аёлларнинг қўл соатлари, электрон ва механик девор ва стол соатларининг турли хиллари бор. Улар мамлакатимизнинг Москва, Минск, Ўтлиқ каби соатсозлик заводларида тайёрланган. Ҳамма маркадаги соатларнинг бир қанча модели бўлиб, уларнинг ҳар бири чидамлилиги ва аниқ юриши билан ажралиб туради. Чиройли ва хилма-хил ишланган соатлар ҳар қандай дидли одамга ҳам ёқади. Соат байрамга яхши совға бўла олади.

Дастурхонда фойдаланиладиган идишлар сотиш секциясида шиша ва чинни идишлар, қадаҳлар, стаканлар, фужерлар, салатдонларни харид қилишингиз мумкин.

«СОВҒАЛАР» СЕКЦИЯСИГА КИРИШНИ УНУТМАНГ. У савдо залининг биринчи қаватига жойлашган. Бу ерда — пластмассадан тайёрланган ёзув приборлари. «Пингвин», шаъмдон, бокалар, значоклар, олимпия календарлари, гул солинган металл идишлар, ёғоч паннолар, ёғочдан, пластмасса, металл, суякдан тайёрланган совғалар, сопол лаган, товоқ, кўвачалар сотилади.

ҲАММА ҚАВАТДА ЖОЙЛАШГАН УПА-ЭЛИК-КОСМЕТИКА ТОВАРЛАРИ СЕКЦИЯЛАРИДАН СИЗ АТИР, ОДЕКОЛОН, СОҚОЛ ОЛИШДА ВА ОЛГАНДАН КЕЙИН СУРИЛАДИГАН КРЕМ, УПА, ЛАБ БЎЁҚЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

23 ФЕВРАЛГА ФОТОАППАРАТ ЯХШИ СОВҒА БЎЛАДИ.

ЦУМда фотоаппаратларнинг «Смена-8», «Вилия», «Сокол», «Этюд», «ФЭД— микрон» каби хилма-хил маркалари, шунингдек увеличителлар, химикатларнинг наборлари бор.

«Радиотоварлар» бўлимида «Мелодия—104» радиоласи, «Мелодия—103» электрофони, «Спидола—231», «Альпинист— 408», «Хазар —404» транзистор радиоприёмниклари, совет ва чет эл артистлари ижро этган севимли ашулалар ёзилган грампластинкалар сотувга қўйилган.

ЭРКАКЛАР УЧУН ЭНГ КЎП ТОВАРЛАР ИККИНЧИ ҚАВАТДАДИР.

«Кўйлаклар» секциясида сидирға ва гулдор, ипаклик ҳамда поплиндан тикилган узун енгли ҳамма размердаги эркаклар кўйлаклари бор.

Сизнинг кийимингизга чиройли галстуклар, ажойиб запонкалар, шойи ёки жун шарфлар ярашиқли бўлади.

Портмоне, сигарета қутиси, кулдон, ҳамён, атир сепадиган идиш, қуёш нуридан сақловчи кўзойнаклар, зажигалка, электр устара каби буюмларни сизга чарм ва металл галантерея бўлимида таклиф қилишади.

23 ФЕВРАЛЬ ФАҚАТ ЭРКАКЛАРНИНГГИНА ЭМАС, ШУ БИЛАН БИРГА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲАМ БАЙРАМИДИР.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ЦУМнинг учинчи қаватига чиқинг. Бу ерда трикотаж буюмлар, байрамларда кийиладиган чиройли кўйлаклар, сумкалар, портфеллар, дуррачалар, шарфлар, пойафзал, пальто, плашчлар бор.

ЦУМГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЦУМ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

19 ФЕВРАЛЬ— СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 «Халқ оҳанглари». 18.20 «Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар». «Батанни ҳимоя қилиш — бизнинг муқаддас бурчимиз». 18.50 «Дунё воқеалари». 19.05 «Қизил погонлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 20.10 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР — Финляндия терма командалари. 1-ва 2-даврлар. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 Хоккей. СССР — Финляндия терма командалари. 3-давр. 22.55 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 —23.55 «Қўшиқсиз солдат, солдатми?». Фильм-концерт. (Таллин).

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Чин дўстлар». Болалар учун мультфильм. 18.25 «Ёш куч». Спорт программаси. 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «Қурилишни бошқаришнинг хўжалик механизми». 19.15 «Техника ремонтини сифатли ўтказайлик». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Дилимдасан, қўшиғим». Лирик концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 Телевиденне экранида биринчи марта. «Озодлик солдатлари». Бадиий фильм. 2-фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Адабиёт. «Ю. Друнина. Ҳозирги замон совет шеърияти ҳақида суҳбат» 20.55 Ўқитувчи экрани (рус.). 21.25 Абитуриентлар учун. Физика. 22.25 «Менинг Ирениим». Телевизион фильм. (рус.).

20 ФЕВРАЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.10 «Қизил погонлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Биатлон. 10 км. Конькида югуриш спорти. 1000 м. Эркаклар. Кўрсатув тугагач (12.45 — 12.50) — Янгиликлар. 15.05 Янгиликлар. 15.25 Социалистик мамлакатлар телевизион ҳужжатли фильмлари программаси. «Венгрил Ғаврo Иқтисодий Ердам Кенгашида» (ВХР), «Болгар электроникаси». (ВХР), «Дунай—дарё, кишилар, спорт» (ЧССР). 16.10 «Инсон ва қонун». 16.40 «Рус тили». 17.10 «Горнчилар, қасрдасиз!».

17.40 «Миллионлар ленинча университети». «Ленин номи билан». 18.10 «Сайловлардан —сайловларгача». 18.40 «Дунё воқеалари». 18.55 «Қизил погонлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 20.00 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Фигурали учиш. Спорт рақслари. Ихтиёрий программа. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.30 Оммавий симфоник куйлардан концерт. Концерт тугагач (23.20). — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Силикат саноати». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз» (рус.). 12.30 «Силикат саноати». Химиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Галабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 2-серия.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. 18.30 Ёзувчилар — болаларга. «Ака-ука Гриммлар». 19.00 «Сайловлардан— сайловларгача». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». Эътибор Охунова. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Чорвачилик: тажриба ва муаммолар». 22.30 Телевиденне экранида биринчи марта. «Озодлик солдатлари». Бадиий фильм. 3-фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Адабиёт. «Абдулла Қодирий — тарихий романлар автори». 20.55 Реклама. 21.10 «Бизнинг бош мухбиримиздан». (рус.). 21.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 22.40 «Керчнинг оловли йиллари». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

Октябрь район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз комитети ҳамда 45-мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси

Мавлуда МИРРАҲИМШОЕВАнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбат чилари— 33-90-50.

19 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р. 13717. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2059.